

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида

Паркент туманида ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори, вилоят Ички ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати қизғин фикр-мулоҳазалар асосида ўтди. Унда ёшларни ёт гошлар ва турли тахдидлардан асраш масалалари муҳокама этилди.

ЁШЛАРИМИЗНИ ТУРЛИ ТАХДИДЛАРДАН АСРАЙЛИК

— Бугун бутун дунёда рўйхатга олинган экстремистик ташкилотларнинг аксарияти ислом дини номидан иш кўради, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ходими Мансур Мансуров. — Биз, аввало, улардан огоҳ бўлишимиз, фарзандларимизни бузғунчи гошлар таъсиридан асрашимиз керак. Бунинг учун уларга яхши таълим-тарбия беришимиз лозим. Айниқса, бўш вақтларини фойдаланиб машгулотлар билан банд қилишимиз зарур.

— Ёшларимизнинг бўш вақти, деб бекорга айтилмаган, — дейди Тошкент вилоят ИИБ масъул ходими Шахноза Содикова. — Фарзандларимиз бўш вақти билан биз шугулланмасак, бошқалар шугулланишадди. Бунинг оқибатида улар биздан узоқлашади, ўзгалар таъсирига тушиб қолади. Шу боис фарзандларимизга ажборт хуружларининг чегара билмас хусусиятга эга экани, гошвий хуружларга нисбатан иммунитет қанчалик мустаҳкам бўлса, ҳеч бир оқим бизни тўғри йўлдан адаштира олмаслигини ўқтиришимиз зарур.

— Бирор-бир ишни бошлашдан аввал унинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ўйлаб кўришимиз керак, — дейди Паркент педагогика ва иқтисодий коллежининг 2-босқич талабаси Умриниса Раҳимбердиева. — Айримлар ўз фикридан кўра, ўзгалар фикрига таяниб иш кўради. Бунга сабаб, гошвий бўшлиқ, маънавий қолоқлик. Бўшлиқ бўлган, уни ёт гошлар эгаллаб олади. Ҳозир кўпчилик ёшлар интернетга қаттиқ боғланиб қолган. Унда эса турли ажбортлар бор. Ҳамма ҳам унинг тўғри ёки хато эканини англамайди.

— Фарзандларга биринчи галда ота-она ўрнатилган кенгаши сектор мудири Ҳожиакбар Чотбоев. — Улар болаларига сўнгги русумдаги телефон ёки қимматбаҳо кийимлар олиб бериш ўрнига негатиб олиб бермайди? Интернет ёки телефонга сарфлаган харажатимизни негатиб олиб бермайди? Агар хар биримиз шу саволларни ўзимизга бериб кўрсак, тўғри хулосага келамиз, ҳеч бир ёт оқим бизни йўлдан урولмайди.

Демак, огоҳликка қақирувчи амалий тадбирларни кўпроқ ўтказишимиз керак. Бунинг учун эса сиёсий партиялар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилиши талаб этилади.

Тадбирда инсониятни даҳшатга солаётган диний экстремизм ва унинг салбий оқибатлари хусусида видеофильм намойиш этилди. Ёшлар фильмдаги воқеаларга ўз муносабатларини билдиришди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

қонунларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Шу кунларда парламент қўйи палатасида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун қабул қилиниши ва фармацевтика фаолияти лицензиялаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.



Сенатор ШОТЎЛДАНОВ олган сурат.

ЎЗХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Шунга мувофиқ, фракциямиз ушбу соҳадаги қонунлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил ўрганиб бормоқда. Сайловчилар билан учрашуларда ҳам бу масалада кўплаб муносабатлар бўлмоқда. Қонун лойиҳасида белгиланган меъёрлар бу борадаги кўплаб муаммо ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида назарда тутилган тегишли нормаларни 2016 йил 4 январда янги тахрирда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ёқуб УМАРОВ, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қўлланиладиган айрим тушунчалар қайта кўриб чиқилган. Жумладан, дори воситалари, тиббий буюмлар тушунчаларига янги таърифлар берилган. Шунингдек, тиббий техника, доривор ўсимлик хомашёси каби тушунчалар янгидан киритилган.

6-моддада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланган. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда имтиёзли берилишини таъминлаш, дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини, сифати назорат қилинишини,

стандартлаштирилишини ва сертификатлаштирилишини амалга ошириш, рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилга камида бир марта тасдиқлаш каби ваколатлари белгиланган.

Шунингдек, 7-моддада Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари ўз аксини топан. 8-ханда 21-моддаларида давлат фармакопеяси, фармакопея мақоласи, дорихона каби тушунчалар мазмунини очиқ берилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг жорий йил 14 февралдаги «Дори воситаларини ва тиббий буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мувофиқлаштириш мақсадида Қонуннинг 6, 7 ва 16-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 5 ва 6-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган. Шу тариқа дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилади.

Хайрулла РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Шу ўринда бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Биламизки, дори воситалари учун хар йили Давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилади. Аммо айрим муносабатлар мазмунидан хулоса қилиб айтиш керакки, бу масалада камчиликлар йўқ эмас. Бундай дори воситаларининг манзилли тарқатилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш, айниқса, масъулият ва ҳабардорлиқни ошириш керак. Жойлардаги учрашулар, сайловчилар, электрот вакиллари муносабатлари дори воситалари нархларини мувофиқлаштиришда ҳамон камчиликлар учраб турганини кўрсатмоқда. Бир хил турдаги дориларнинг дорихоналардаги нархлари ўртасида сезиларли тафовут борлиги тўғрисида муносабатлар бўляпти. Демак, бу йўналишдаги қонунлар ҳаётида қанчалик самарали жорий этилса, бу борадаги муаммолар шунчалик камаяди, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳаси орқали «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санот намуналари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Гибҳандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида»ги, «Техник хизмат тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сўзга чиққанлар ҳужжат лойиҳаси аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини электрот манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб атрофлича муҳокама қилган, концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Унга кўра, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасига асосан, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 27 моддаси тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларининг кафолатларига қаратилган норма билан тўлдирилмоқда. Мазкур моддага мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш ва тиббий-ижтимоий муассасаларига жойлаштирилган кундан бошлаб тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Уларга таълим бериш, турар жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-

бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш, таълим муассасаларини битираётганда ва ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари сотиб олиш учун нафақа тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Буларнинг барчаси партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда атрофлича кўриб чиқишди.

Қонун лойиҳаси билан Бюджет кодексининг 52-моддаси 5-бандига тегишли қўшимча киритилиши назарда тутилган. Унга асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа даромадлари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ҳам киритилиши кўзда тутилмоқда.

Кахрамон МИРЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Хисоб палатаси томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий бюджетлар учун қўшимча манбалар яратиш ва босқимча-босқим маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетидан бонлиқлигини қисқартирилишига қўшимча имкон яратди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз улушлари бўйича бозор ва савдо комплекслари фаолиятини корпоратив бошқаришдаги манфаатдорлиги ва самарадорлиги оширилади ҳамда соҳадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти рағбатлантирилади.

Фракция йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП: устувор вазифалар

МАСЪУЛИЯТ ВА ТАЛАБЧАНЛИК

фаолиятимиз асосини ташкил этмоғи лозим



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида партиянинг вилоят кенгаши раиси Акмал Турсунбоев Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда бўлиб ваколатлардан тўлиқ фойдаланилмагани, айрим жойларда имкониятлар бой берилганига эътибор қаратди.

— Тўғри, ўтган йили электрот манфаатларига дахлдор ишларимиз кўп бўлди. Аммо ҳаёт олдимишга янги, янада катта вазифаларни қўймоқда, — деди у. — Масалан, Жамоатчилик қабулхоналари ишида тезкорлик ва самарадорлик етишмайди. Биз бир нарсани унутмайлик, одамлар бизга муносабат қилишдан олдин турли идоралардан умидсиз қайтган бўлади.

Шу ўринда қабулхоналарга бўлган муносабатлар сонини кўрайлик. Муносабатлар 440 га яқин бўлиб, улардан 281 таси ёки 64 фоизи ижобий ҳал этилган. Муаммоларнинг 100 фоиз ечим топишига эришишимиз керак. Акс ҳолда одамлар бизга ишонмай қўяди.

Яна бир масалага эътибор қаратайлик. Вилоят Кенгаши депутатлари 29, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари 116 депутатлик сўрови юборган. Агар вилоят Кенгашидаги 11 нафар, шаҳар ва туманлардаги 117 нафар депутат ЎЗХДПдан сайланганини инобатга олсак, юборилган депутатлик сўрови хар бирига тахминан биттадан тўғри келади. Бундан чиқди, қаердадир қайсибир депутат ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган.

Акмал Турсунбоев яна бир неча масалалар бўйича танқидий фикрлар билдирди. Шундан сўнг халқ депутатлари

вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Жўрабой Қўлдошев депутатлар ҳамда партия ташкилотларининг ҳамкорлиги хусусида сўз юритди. Депутатлар ва бошлангич ташкилотлар ўртасида бирдамлик қучайтирилиши лозимлигини таъкидлашди.

— Ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз 11 масалани ўрганиб, партия гуруҳларида муҳокама қилди. 8 масалани доимий комиссия, 5 масалани сессияга киритди, — деди депутат. — Одамлар билан юзма-юз ўтказилаётган мулоқотлар пайтида гувоҳ бўляпмизки, электрот вакиллари йўллангирётган муаммолар оз эмас.

Пленумда, шунингдек, ЎЗХДП Сайхунбод туман кенгаши раиси Шоира Шаматова, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоллари кун тартибидagi масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидландики,

партия фаоли сифатида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилаларни кўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилмаётган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Халқ ичига кириб бориб, кундалик ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш, уларнинг талаб ва тақлифлари асосида фаолиятни такомиллаштириб бориш орқали одамлар розилигига эришиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар атрофлича муҳокама этилди. Партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари олдига турган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз!»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз!» лойиҳаси доирасида чекка ҳудудларда яшовчи хотин-қизлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг дарду ташвиши, муаммолари ўрганилмоқда.

Электрот муаммоларига ечим топиламоқда

Суҳбатлар давомида кўпчиликнинг қўлида ҳунари борлиги, аммо тикиш-бичиш, қанчалар, оилавий тадбиркорлик билан шугулланиш учун шартон йўқлиги маълум бўлди. Ўз ишини бошлаш истатига бўлганларга хонадонидида иссиқхона ташкил этиш, паррандачилик билан шугулланишдан келадиган даромад қўлида тушунчалар берилди. Имтиёзли кредитлар ажратилишида қўмақлашиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилапти.

Партия фаоллари ва депутатлар Кониҳ туманидаги «Бирлик» маҳалласида истиқомат қилувчи имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аёлларнинг муаммоларини ўрганишди. Уларга амалий ёрдам кўрсатишди.

Мисол учун, Улбўсин Примбетова билан мулоқот чоғида 8 йилдан буён беморлиги, тиббий қўриқдан вақтида ўтолмаслиги, тиббиёт ходимлари унинг ҳолидан хабар олмаслигини қўниб гапирди. Шунингдек, ногиронлар аравачасига эҳтиёжи борлигини айтди. Мазкур масала юзасидан тегишли ташкилотга депутат сўрови юборилди.

Жанар Жузмаханова саломатлигини тиклаш учун тегишли ташкилотларга қилган муносабат эътиборсиз қолдирилганини айтди. Депутатларимиз ташаббуси билан ҳомийлар кўмағида унга санаторийга йўлланма берилди.

Мазкур маҳаллада яшовчи яна бир фуқаро Раиса Биркимбаева 2-гуруҳ ногиронни. Асаб касаллиги билан рўйхатда турди. Фарзандининг кўзи кўрмайди. Маълум бўлишича, улар яшаб турган уйнинг том қисми таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Ёгингарчилик мавсумида турли нуқулайликлар туғилмапти. Муаммо туман ҳокимлиги мутасаддиларига етказилгач, уйни таъмирлаш учун ҳомий бириктирилди.

Бир сўз билан айтганда, лойиҳа доирасида партиямиз электротта янада яқинлашмоқда, муаммолар аниқланиб, бартараф этилмоқда.

Мазкур лойиҳа вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

Муборак МАҲМУДОВА, ЎЗХДП Навоий вилоят кенгаши сектор мудири.

Бир масалани сессияга олиб чиқиш катта меҳнат, тизимли ўрганишларни талаб этади.

Газетхон саволига
мутахассис
жавоби

— Яқинда Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) янги тўлов тизимининг кенг жорий этилиши ҳақида хабар қилган эди. QR-код ўзи нима, ундан қандай фойдаланиш мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Эркин РЎЗИҚУЛОВ,
Тошкент шахри.

Савдо терминалидан фойдаланмасдан тўловни амалга оширишнинг янги тизими Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2015 йил 4 декабрдаги қарори доирасида молиявий хизматлар бозорида онлайн-имкониятларни кенгайтириш мақсадида жорий этилмоқда.

Бугунги кунда кўпчилик товарлар этикеткаларида, коммунал тўловлар квитанцияларида ёки сайтлар саҳифаларида жойлаштирилган қўра квадратлар тасвирини кўрган бўлса керак. Ана шу QR-код-дир. Инглиз тилидаги «quick response» (QR) термини «тезкор жавоб» деб таржима қилинади. QR-код икки ўлчамли штрих-код бўлиб, ахборотни визуал қодлаштириш учун қўлланилади. Мазкур технология турли соҳаларда фойдаланилмоқда.



QR-код кўриниши

QR-код қўлланишининг асосий тамойили уни гиперхавола тарзида ишлаш олишидир. Бу бирданига кўп маълумот ҳақида хабар бериш зарур бўлган ҳолатларда ёки уни соддалаштириш керак бўлганда жуда қулай восита саналади. QR-код суратлар, маҳсулот ёки хизматни таллаш жараёнини осонлаштиришга қодир. Чунки ўрам ёки реклама плакатларида кичик квадратчада 4296 тагача бўлган рамзлар жойлаштирилган бўлиши мумкин. Уларни матн тарзида жойлаштириш ноқулай ва нодир бўлган маълумотларни сиғдира олади. Бундан ташқари, QR-код коммуникация жараёнини ҳам оптималлаштиради. Масалан, ташриф қозонидаги белгида одатда телефон рақами шифрланган бўлади, у биргина тумани босиш билан боғлиқлар рўйхатида киритилиши мумкин. Шунингдек, QR-кодлар ёрдамида хавола бўйича ўтиш, электрон хат, қисқа хабарлар (СМС) юбориш, жойнинг координатларини билиш ва бошқа шу каби амалиётларни бажарса бўлади. Бугунги кунда, бутун дунёда электрон тўловларни амалга оширишда QR-кодлардан фаол равишда фойдаланилмоқда. Амалиётда у қуйидагича кўринишда ишлатилади:

— харидор ўз банк тўлов картасини смартфондаги иловага боғлайди;

— савдо тармоқларида харид қилишда ёки хизматлар учун тўловни амалга оширишда банк картасидан фойдаланмасдан мазкур илова ёрдамида ҳисоб-китоб қилади.

Ҳисоб-китобнинг бундай усули харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам оддий банк пластик картасидан фойдаланишдан кўра қулайроқ. Чунки ушбу ҳолатда терминалга ҳожат қолмайди ва харидор учун ҳам карталарни чўнтакда олиб юришининг кераги бўлмайди — смартфон уларнинг ўрнини босади.

Улуғбек РУСТАМОВ,
CLICK компаниясининг
Бош директори.

АНДИЖОНДА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Андижонда Байналмилал маданият маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маънавият-тарғибот маркази, «Тасвирий ойина», ижодий уюшмаса, «Камолот» ЁИХ, Андижон вилояти ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деб номланган фестивал ўтказди.

Андижон қишлоқ хўжалик институтида турли миллатга мансуб ёшлар таълим олади. Бу ерда ўтказилган тадбир ҳақиқий дўстлик, ҳамжиҳатлик тантанасига айланди.

— Ўзбекистонда барча миллат ва элат вакиллари тинч, аҳил яшайди, — дейди 1-курс талабаси Баҳорой Акрамжонова. — Улар ўз маданияти, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Дўстларим, курсдошларим мен билан ўзбекча гаплашишди. Мен уларга татарча жавоб қайтараман.

— Мен мактабда тожик тилида тахсил олганман, — дейди Достонбек Умаралиев. — Институтида ўқийётган турли миллат ёшлари бир оила фарзандларидай қадрдон. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик асосида ҳам аввало, миллатлараро дўстлик мужассам.



Ушбу сурат

Тадбирда миллатларнинг ўзига хос урф-одатлари, яшаш тарзи, миллий либосларини намойиш этувчи кўргазма ҳам бўлиб ўтди.

— Ўзбеклар корейслар билан бир бурда нонни баҳам кўришган, — дейди вилоят корейс миллий маданият маркази раҳбари Вячеслав Ким. — Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳр-оқибати, меҳмондўстлигига ҳавас қиламан.

Андижон давлат университетидида турли миллат вакиллари томонидан дўстлик дастурхони ёзилди. Ўзаро ҳамжиҳатлик акс этган расмлар, рус, қирғиз, корейс ва бошқа миллатлар урф-одатларини, яшаш тарзини инфодаловчи китоблар кўргазма, меҳр-оқибати, меҳмондўстлиги кўпчилигини диққатини жалб қилди.

Андижон шаҳрида бошланган дўстлик фестивали Кўрғонтепа туманига кўчди.

Иштирокчилар тумандаги 39-умумтаълим мактабиди бўлишди.

— Ўзбекистон миллатлараро тотувлик, тинчлик, дўстликни қадрлаш ва сақлашда бутун дунёга ибрат ва намуна бўла олади, — дейди республика қирғиз миллий маданият маркази раҳбари Раҳматилло Жабборов. — Бу баланд парвоз гаплар эмас. Ким бунга кўрмоқчи бўлса, Андижонга келсин, халқимизнинг бир-бири билан қанчалик яқин, туғишгандай бўлиб кетганини ўз кўзи билан кўради.

Меҳмонлар Кўрғонтепадаги маданият ва истироҳат боғида мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, касб-хўна қоллежлари ўқувчилари томонидан ташкил этилган кўргазма билан танишдилар. Турли тилларда куй-қўшиқлар янгради.

— «Дўстлик» қирғиз ансамблини ташкил қилиб, юртдошларимизга хизмат кўрсатяпмиз, — дейди хўжабодлик Кундузхон Фафорова. — Хар иккала халқ ҳам бир-бирига дилдан яқин. Андижонда қирғиз маданияти ва санъати қизиқ қиш ҳам, эътибор ҳам катта. Бугунги байрамда ҳам фаол иштирок этапмиз.

— Ўзбекистонда яшаш бахт, — дейди Жалакудук туманидаги 27-умумтаълим мактаби директори, «Дўстлик» ордени соҳиби Умидхон Маматалиева. — Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан мен ҳам тақдирландим. Муҳофотни муҳтарам Президентимизнинг қўлларидан олиш бахтига муяссар бўлдим. Дўстлигимизга, яқинлигимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин.

Дўстлик байрами қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Пахтаобод туманида ҳам кўтаринки руҳда нишонланди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев. — Андижон вилоятида ўтказилган дўстлик фестивали мана шу мақсадда ташкил этилди.

Дўстлик фестивалида миллий маданият марказларининг вакиллари Андижон вилоят ҳокимлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ХОДИМЛАР МЕҲНАТ
МУҲОФАЗАСИ
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти мутахассислари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Ё.Умаров, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмудалиев, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифини бажарувчи А.Икромов, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси бош мутахассиси Гоча Александрия ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат самарасида фуқаролар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратилгани, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, саломатлиги ва ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда

давлат, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

— Корхонамиз ишчиларининг самарали меҳнат қилиши, улар меҳнатини муҳофазалашга жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси саноат хавфсизлиги тизимини бошқариш ва меҳнатни муҳофазалаш бўлими бошлиғи Мирзоакбар Ҳақимов. — Ходимларимиз бир йилда икки маротаба табиий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда саломатлигини тиклаш учун шифо масканлари, сийхатгоҳларга юборилди. Бу эса ходимлар ўртасида касб касалликлари камайиши, иш самардорлигини оширишга замин бўлмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан ишчиларни касб касалликлари, турли жароҳатлардан асраш мақсадида ижтимоий суғурталаш ишлари бажарилди.

Тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган турли ташкилотлар мутахассислари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎЗА муҳбири.

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти

2017 йил 30 май кўни очик аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156-«А» уйда жойлашган «Чилонзор буюм савдо комплекси» акциядорлик жамиятининг 2001 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/510 WAA, бошлангич нархи 17 577 000 сўм бўлган «Нексия» ва 2010 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/730 LBA, бошлангич нархи 24 327 000 сўм бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситалари қўйилди.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закат тўғрисидаги қилишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошлангич нархининг камида 20 фоизи миқдоридида закат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш, тўланган закат миқдорида сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тўлиғи қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Талабдорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда

расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар. Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анхор бўйи кўчаси, 18-уй. Алоқа телефони (+99895) 143-69-97 электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг 1992 й. и/ч, д/р 01/739 ЕСА бўлган «BA3-2121» — 1 810 000 сўмга, 1989 й. и/ч, д/р 01/641 SBA бўлган «BA3-2121» — 1 580 000 сўмга, 1992 й. и/ч, д/р 01/447 AAA бўлган «BA3-21063» — 1 660 000 сўмга, 1992 й. и/ч, д/р 01/750 ЕСА бўлган «BA3-2106» — 1 350 000 сўмга, 1996 й. и/ч, д/р 01/681VSD бўлган «YA3-315146» — 2 950 000 сўмга, 1996 й. и/ч, д/р 01/448 BCA бўлган «YA3-31514» — 2 750 000 сўмга, 1995 й. и/ч, д/р 01/390 SBA бўлган «Шевролет» — 3 560 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005414-05

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«Тошиссиққувати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси балансидаги д/р 01/053ХВА бўлган «ПА3-672» ва д/р 01/113 ХВА бўлган «YA3-3741-01» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2017 йил 17 апрелдаги 13-07/3092-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома №005357

Бокс

30 апрель - 7 май кунлари пойтахтимиз — Тошкентда Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Унда 29 мамлакатдан 200 нафарга яқин боксчи қолибик учун курашади. Мусобақаларда 1977 йилдан 1998 йилгача туғилган боксчилар иштирок этади.

ОСИЁНИНГ
ЭНГ
КУЧЛИЛАРИ
ТОШКЕНТДА

Мазкур Осиё чемпионати жорий йилнинг 25 августидан 4 сентябргача Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида кучлиларни саралаш турнири ҳисобланади. Жаҳон чемпионатида Осиё учун 60 та ўрин ажратилган, хар бир вазн тоифасида олтидан энг яхши боксчи танланади. Тошкентдаги Осиё чемпионатида боксчилар совринли ўринлардан ташқари ушбу лицензиялар учун ҳам ўзаро рақобатлашади.

Маълумки, бокс бўйича биринчи Осиё чемпионати 1963 йили Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган.

Ўзбекистон бокс бўйича Осиё чемпионатларини ташкил қилишда бой тажрибага эга. Пойтахтимизда 1995 ва 1999 йиллари катталар ўртасидаги, 2015 йили ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ўтказилган.

Эртага бошланадиган мусобақаларда қуйидаги спортчилар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади:

- 49 кг. Ҳасанбой Дўсматов,
- 52 кг. Жасурбек Латипов,
- 56 кг. Муроджон Аҳмадалиев,
- 60 кг. Элнур Абдураимов,
- 64 кг. Иқболжон Холдиров,
- 69 кг. Шахрам Ғиёсов,
- 75 кг. Исроил Мадримов,
- 81 кг. Бектемир Мелиқўзиев,
- 91 кг. Санжар Турсунов,
+91 кг. Баҳодир Жалолов.

Мураббийлар штаби: Марат Курбонов, Раҳматжон Рўзихонов, Тўлқин Қиличев.

Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси билан бир қаторда Хитой, Хиндистон, Эрон, Иордания, Қозғистон, Жанубий Корея, Мўғлистон, Покистон, Шри-Ланка, Тожикистон терма жамоалари тўлиқ таркиб — ўнтадан боксчи билан иштирок этади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, мазкур боксчилардан Ҳасанбой Дўсматов, Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Бектемир Мелиқўзиев, Баҳодир Жалолов Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 2015 йили бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган. Мусобақа якуни кўра, боксчиларимиз 2 олтин, 5 кумуш ва 1 бронза медалини қўлга қиритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Биринчи ўринга Қозғистон терма жамоаси, учинчи ўринга мезбон — таиландлик боксчилар сазовор бўлган.

Навбатдаги Осиё чемпионатида боксчиларимиз муносиб иштирок этади, деб умид қиламиз.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+27/+11	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+23/+10	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+20/+10	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+23/+13	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+18/+10	
Тошкент шаҳри	+17/+7	
«Чирчик гўшт-сут савдо» МЧЖ жамоаси меҳнат фахрийси Абдусамат Исмоиловга волида муҳтарамаси САНАТЛАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.		

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsat bilan amalga oshiriladi.

Г — 438
14775
nuxxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7133

1 2 3 4 5 6